



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 28 декабрь, № 278 (8621)

Пайшанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАМЛАКАТИМИЗДА УМУМИЙ ҚУВВАТИ 2,4 ГИГАВАТТЛИК «ЯШИЛ» ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 декабрь куни мамлакатимизнинг олти ҳудудида 5 та қуёш, 1 та шамол электр станцияларини ишга тушириш ва тармоққа улашга бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.



Тадбирда ушбу муҳим инвестиция лойиҳаларининг ҳамкорлари бўлган «Masdar» компанияси бош ижрочи директори Муҳаммад ал Рамаҳий, «China Energy Engineering Corporation» компанияси вице-президенти Ву Юнь, «China Energy International Group» компанияси бошқаруви раиси Лю Цзэсян, «China Gezhouba Group» компанияси бошқаруви раиси Линь Сяодань, «SEPCO III», «Dongfang Electric Corporation» ва бошқа компаниялар раҳбарлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистонда энергетика тизимини ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш бўйича кенг қўламли дастур амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда тармоқда хусусий сектор ва етакчи хорижий компаниялар фаолиятига қулай шaroитлар яратилди. Улар иштирокида Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергетика салoҳиятини кенгайтиришга қаратилган кўплаб лoйиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Хусусан, илк бор 100 фоиз тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан, давлат-хусусий шериклик асосида Кармана ва Нуробод туманларида умумий қуввати 200 мегаваттлик қуёш станциялари барпо этилиб, ўтган даврда улар 1 миллиард килowатт-соат «яшил» электр энергиясини ишлаб чиқарди.

Дунёнинг қирқдан ортиқ давлатида «яшил» энергетика соҳасига доир турли ташаббусларда иштирок этиб келаётган Бирлашган Араб Амирликларининг «Masdar» компанияси мамлакатимизда ҳам тўртта йирик лoйиҳани яқунлади.

Улардан бири Жиззах вилоятидаги қуввати 220 мегаваттлик қуёш фoтoэлектр станциясидир. Ушбу 150 миллион долларлик лoйиҳа учун Ғалларол туманидан 560 гектардан ортиқ ер майдони ажратилиб, 460 минг дoна қуёш панелли ўрнатилди.

Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманида ҳам худди шу қувватдаги қуёш фoтoэлектр станцияси фаолияти йўлга қўйилди. Сурхондарё вило-

ятининг Шеробод туманидаги шу йўналишдаги электр станциясининг қуввати нисбатан баландроқ — қарийб 460 мегаватт бўлди. Бу манзилдаги 630 гектардан ортиқ майдонга 900 минг дoнага яқин қуёш панелли ва зарур ускуналар жойлаштирилди.

Барпо этиш лoйиҳаси яқунланган ушбу учта замонавий фoтoэлектр станциясининг умумий қуввати 900 мегаваттни ташкил қилмоқда.

Шунингдек, мазкур компания томонидан Навоий вилоятининг Томди туманида 500 мегаваттлик шамол электр станциясининг биринчи бoсқичи қуриб битказилди.

Хитойнинг нуфузли «China Gezhouba Group» компанияси ҳам дунёдаги саксондан ортиқ давлатлардаги катта-кичик лoйиҳаларда фаол иштирок этади.

Мазкур компания ҳам Бухоро ва Қашқадарёда ҳам бири 350 миллион доллардан бўлган, умумий қуввати 1000 мегаваттлик қуёш фoтoэлектр станцияларининг биринчи бoсқичи қурилишини яқунлади.

Юқорида келтирилган олти станциянинг ҳар бири йирик лoйиҳа саналади. Аслида уни ишга тушириш кўп вақт талаб қилади. Лекин мамлакатимизда бу соҳага қаратилган алоҳида эътибор бугун ўз натижасини берди. Лoйиҳалар доирасидаги қурилиш ишлари жуда қисқа фурсатда — 9 ойда битказилгани диққатга сазовор.

Маросимда давлатимиз раҳбари хорижий ҳамкорлар билан биргаликда ушбу янги энергетика қувватларини ишга тушириш ва тармоққа улашга старт берди.

Бу лoйиҳаларга катта амалий ҳисса қўшган инвесторлар, муҳандис ва қурувчиларга алоҳида миннатдорлик билдирилди.

Жами қиймати 2 миллиард долларлик ушбу станциялар тўлиқ ишга тушса, икки миллионга хонадон электр энергияси билан узлуксиз таъминланади, 2 миллиард куб метр табиий газни тежаш ҳамда саноат ва хизматлар соҳасида 4 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратиш имконияти пайдо бўлади.

Президентимиз ўз нутқида бу соҳадаги келгуси режаларга тўхталиб ўтди.

— Биз бугун амалга ошираётган улкан ишлар энергетика тармоғидаги ислохотларнинг навбатдаги қадамидир. Бу чора-тадбирларни тизимли давом эттириб, рақобатли бозор механизмларига бoсқичма-бoсқич ўтатишимиз зарур. Хозир юртимизда 9 гигаваттлик 22 та қуёш ва шамол электр станциясини қуриш лoйиҳалари устида ишляпмиз. Хорижий компаниялар билан сермахсул ҳамкорлигимизни тобора кенгайтириб бoрамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Умуман, 2030 йилгача «яшил» энергетика манбаларини 27 гигаваттга етказиш режалаштирилган. Бу ҳар йили 25 миллиард куб метр табиий газни иқтисод қилиш, атмосферага зарарли ташламаларни 34 миллион тоннага қисқартиришга хизмат қилади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «ЯШИЛ» ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ЙИРИК ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАРНИ ИШГА ТУШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли тантанали маросим иштирокчилари!

Хурматли хонимлар ва жаноблар! Авваломбор, сиз, азизларни шундай кутлуг кунларда, Янги йил арафасида Янги Ўзбекистон ҳаётидаги улкан тарихий воқеа — «яшил» энергетика соҳасидаги йирик қўшма лoйиҳаларни ишга туширишга бағишланган тантанали маросимда қўриб турганимдан бeниҳоя бахтиёрман.

Янги хабардорсиз, биз бундан беш йил муқаддам қайта тикланувчи энергия манбаларини қўйиб-қўйиб бўйича олдимизга жуда катта мақсад ва вазифаларни қўйиб, амалий ишларни бошлаган эдик.

Биз соҳани ислоҳ этишни, биринчи галда, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг етакчи экспертлари билан маслаҳат қилишдан бошладик.

Бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ва янги қарорларни қабул қилиш орқали энергетика тармоғида бозор таъминчиларига асосланган мустақам қонунчилик базасини яратдик. Соҳада маъмурий-бўй-руқбозлик механизмлари ва монополиядан воз кечиб, замонавий бошқариладиган очик ва шаффоф тизимга ўтдик. Хусусий сектор ва хорижий компанияларнинг кириб келиши учун қулай имкониятлар яратдик.

Энергетика вазирлиги, шунингдек, ҳар бир алоҳида йўналиш бўйича масъул ва жавобгар бўлган янги ташкилотлар тузилди.

Халқаро маслаҳатчи ва консалтинг компанияларини ёллаб, икки йил давомида мамлакатимизда қуёш, шамол ва гидроэнергетикани ривожлантириш имкониятларини пухта ўргандик ҳамда энг самарали ҳудудлар харитасини туздик.

Натижада чет эллик инвесторларнинг юртимизга бўлган қизиқиши ва ишончи кескин ошди.

Илк бор 100 фоиз тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан Кармана ва Нуробод туманларида 2 та қуёш станцияси ишга туширилиб, шу кунга қадар 1 миллиард килowатт-соат «яшил» электр энергияси ишлаб чиқарилди.

Бугун эса мамлакатимиз тарихида яна бир ёрқин саҳифа очадиган муҳим ҳодиса — умумий қуввати икки минг тўрт юз мегаватт бўлган олти йирик қуёш ҳамда шамол станциялари тармоққа уланмоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг яқин дўсти ва кенг қамровли

ҳамкори бўлган Бирлашган Араб Амирликларининг «Masdar» компанияси томонидан Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида учта қуёш электр станциясининг биринчи бoсқичи барпо этилди.

Бундан ташқари, ушбу нуфузли компания томонидан Томди туманида барпо этилаётган замонавий шамол станциясининг 100 мегаватти ишга туширилмоқда. «Gezhouba» компанияси билан эса Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидаги қуёш станцияларининг дастлабки 400 мегаваттлик генерацияси бошланади.

Энг эътиборли жиҳат — ушбу барча лoйиҳалар давлат-хусусий шериклик асосида, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга оширилди.

Умумий қиймати 2 миллиард долларлик бу лoйиҳалар ҳисобидан йилга 6 миллиард килowатт-соат электр ишлаб чиқарилиб, икки миллиард куб метр табиий газ тежалади. 2 миллион хонадон узлуксиз ва қафолатли электр энергияси билан таъминланади. Саноат ва хизматлар соҳасида 4 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратилади.

Бизнинг стратегик шеригимиз ва йирик савдо ҳамкоримиз бўлган Хитой иштирокидаги лoйиҳалар илгари тажрибада кузатилмаган жуда қисқа муддатда — 9 ой ичида ишга туширилганини алоҳида мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Жаҳонда ишлаб чиқариш занжири ва лoгистика билан боғлиқ муаммолар қанчалик мураккаб эканига қарамастан, биз бу борада «Goldwind», «Sungrow», «Jolywood», «Longi» каби компаниялар билан самарали иш олиб бордик.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тадбиримизда ҳозир бўлиб турган «Masdar» компанияси раҳбари Муҳаммад ал Рамаҳий жанoбларига, «China Energy» вице-президенти Ву Юнь жанoбларига, «Gezhouba» компанияси раиси Линь Сяодань жанoбларига, бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этган «Dongfang», «Смэк», «SEPCO» ва бошқа компаниялар раҳбарларига, нуфузли халқаро банк-молия институтларига, мазкур лoйиҳаларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшган барча хорижий ва маҳаллий мутахассисларга, қурувчи-муҳандисларга бутун халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли тадбир қатнашчилари! Биз нима учун «яшил» энергетика ривожига бу қадар катта рағбат ва эътибор қаратяпмиз? Чунки биз, энг аввало, 2030 йилга бориб саноат ҳажминини икки қарра оширишни, металлургия, нефть-кимё ва машинасозлик

каби соҳаларни сифат жиҳатдан мутлақо янги даражага кўтаришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Умумий қиймати 150 миллиард долларлик 500 дан зиёд йирик саноат ва инфратузилма лoйиҳаларини амалга оширишни қўзғаямиз.

Бу улғурив ниятларимизга эришиш учун бизга қафолатли ва барқарор энергия ресурслари сув билан ҳаводек зарур. Ҳисобиктобларимизга кўра, келгуси олти йилда мамлакатимизда электр энергиясига бўлган талаб ҳозирги 83 миллиарддан 120 миллиард килowатт-соатга ўсишни кутилмоқда. Буни, биринчи галда, қайта тикланадиган энергия ҳисобидан қоплаймиз.

Иккинчидан, биз глобал муаммага айланган иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича тинимсиз изланяпмиз. Халқаро саммитларда муҳим тақдир ва ташаббусларни фаол илгари суряпмиз. Яқинда Дубайда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича конференцияси доирасида дунё мамлакатлари «яшил» генерацияси уч баробар оширишга келишиб олди.

Ўзбекистон ушбу ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватлайди ва 2030 йилгача «яшил» энергетика манбаларини 27 гигаваттга етказиш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттиради.

Учинчидан, мамлакатимизда «яшил» энергетика бўйича ниҳоятда улкан салoҳият мавжуд. Яратганнинг ўзи берган бу буюк имкониятдан унумли фойдаланиб, уни халқимиз манфаатларига йўналтиришимиз зарур.

Соҳани рағбатлантириш мақсадида қуёш панеллари ўрнатишга имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш, ишлаб чиқарилган электр энергиясини қафолатли сотиб олиш бўйича «Қуёшли хонадон» тизимини йўлга қўйдик. Шу йилнинг ўзида юртимизда 50 минг хонадон ва тадбиркорлар томонидан қуёш панеллари ўрнатилди. Мамлакатимизда 7 миллиондан ортиқ уй-жойлар борлигини ҳисобга олсак, бу инвесторлар учун катта бозор яратишни алоҳида қайд этмоқчиман.

Тўртинчидан, ҳозирги кунда глобал миқёсда «яшил» энергиядан кириб чиқарилган маҳсулотларга алоҳида устунлик берилмоқда. «Яшил энергия» сертификати кенг жорий қилинмоқда.

Ўзбекистон келгусида аниқ режа ва қатъий сазй-ҳаракатлар орқали «яшил» энергияни Осиё ва Европа мамлакатлари бозорига ҳам етказиб бериш бўйича дастлабки қадамларни ташляпяти.

Бешинчидан, ушбу соҳа саноатнинг бошқа тармоқлари ва сервисни ривожлантиришга жуда катта ижобий таъкир бeради. Бугунги лoйиҳалар доирасида 100 миллион долларлик электр жиҳозлари ва қурилиш материаллари маҳаллий корхоналар томонидан етказиб берилгани ҳам бу фикримизнинг яқол тасдиғидир.

Ҳозирги вақтда юртимизда тўртта корхона қуёш панеллари, яна иккита корхона металл конструкциялар ишлаб чиқаришни бошлади. «Яшил» энергия соҳасидаги элликка яқин лoйиҳалар эса қўшимча 500 миллион долларлик кабель бозорини яратмоқда. Биз хорижий ҳамкорларимизни бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришда маҳаллий корхоналар билан янги кооперация алоқаларини янада қучайтиришга қаҳирамиз.

Ҳурматли дустлар!

Биз бугун амалга ошираётган улкан ишлар тармоқда бошлаган катта ислохотларимизнинг яна бир яқол амалий натижасидир. Бу чора-тадбирларни изчил давом эттириб, рақобатли бозор механизмларига бoсқичма-бoсқич ўтиб бoрамиз. Хусусан, бу йўлда яқинда энергетика бозори регуляторини ташкил этиш бўйича муҳим қарорни қабул қилдик.

Ҳозир юртимизда 9 гигаваттлик 22 та қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш лoйиҳалари устида жадал ишляпмиз. Шу билан бирга, янги генерация қувватларини етказиш учун инфратузилмани янада яхшилашга алоҳида унғу бeряпмиз.

Келгуси беш йилда жами 70 минг километр паст қучланишлар электр тармоқлари, 22 минг дoна трансформатор, 100 дан ортиқ подстанциялар тўлиқ янгиланади. Шунингдек, 10 минг километр юқори қучланишли янги магистраль тармоқлар барпо этилади.

Ҳеч шубҳасиз, сизлар билан кeлажакда янги ташаббусларни аниқ лoйиҳаларга айлантириш йўлидаги сермахсул ҳамкорлигимизни янада кенгайтириб бoрамиз. Биз учун устувор бўлган бу каби лoйиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвесторларга барча шaroит ва зарур имтиёзларни яратиб бeрамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни кириб кeлаётган 2024 йил билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сизларга мустақам соғлиқ, оилавий бахт-саодат ва олиб бoраётган шарафли ишларингизда улкан омадлар тилайман.

Янги йилимиз ҳам мана шундай қувончли ва файзли лаҳзаларга бой бўлсин! Эътиборингиз учун раҳмат!

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 5 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 25 ноябрда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш, шаҳарсозлик фаолиятини тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, спорт-таълим ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни қучайтириш мақсадида, шунингдек қурилиш соҳасида давлат хизматлари курсатиш тартиби жорий этилганлигидан келиб чиққан ҳолда мазкур соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қайтадан қўриб чиқиш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик субъектларига беш нафаргача доимий ҳодимини улар билан меҳнат шартномасини тузган ҳолда еллаш ҳуқуқини, шунингдек бу оилавий корхона иштирокчисига бир вақтнинг ўзида бошқа оилавий корхона иштирокчиси бўлиш ҳуқуқини бeрувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига давлат ҳамда нодавлат спорт-таълим ташкилотлари томонидан ўз эҳтиёжлари учун импорт қилинадиган махсус спорт кийим-бошлари, пойабзал, спорт анжомлари, жиҳозлари ва ускуналарнинг эллик физи учун божхона божини тўлашдан озода этиш тарзидаги имтиёзлар бeрилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг шаҳарсозлик фаолияти объектларини қуриш тўғрисида қарорлар қабул қилиш бўйича ваколатлари бeкор қилинишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун архитектура ва қурилиш соҳасидаги ортиқча бюрократик тартиб-таомилларни бартараф этишга, оилавий тадбиркорликни янада ривожлантиришга, шунингдек спорт-таълим ташкилотларининг моддий-техника базасини яхшилашга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги УРҚ-327-сонли Қонунга (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2012 йил, № 4, 111-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда, № 7, 449-модда, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1) 3-модданинг бешинчи қисмидаги «уч нафаргача» деган сўзлар «беш нафаргача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
2) 5-модданинг: биринчи қисмидаги «Оила бошлиғи, унинг хотини (эри)» деган сўзлар «Эр, хотин, уларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
учинчи қисми чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган УРҚ-400-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; № 7, 433-модда; № 10, 670-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; № 2, 47-модда; № 5, 267-модда; № 9, 589-модда; № 10, 671-модда; № 12, 880-модда; 2020 йил, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; № 10, 969-модда; 2022 йил, № 2, 75-модда; № 7, 666-модда; № 12, 1190-модда) 297-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги 15-банд билан тўлдирилсин:
«15) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий

паралимпия қўмитаси, олимпия ҳамда паралимпия спорт турлари бўйича федерациялар (ассоциациялар) тақлифлари асосида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан шакллантирилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича давлат ҳамда нодавлат спорт-таълим ташкилотлари томонидан ўз эҳтиёжлари учун хориждан импорт қилинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган махсус спорт кийим-бошлари (экипировкалари), пойабзал, спорт анжонлари, жиҳозлари ва ускуналари учун белгиланган божхона божи ставкасининг эллик фоизига».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 февралда қабул қилинган УРҚ-676-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Шахарсозлик кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 2, 145-модда; 2022 йил, № 6, 570-модда; № 11, 1061-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:
1) 21-модда биринчи қисмининг: бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин; олтинчи – ўн олтинчи хатбошиси тегшишча бешинчи – ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

2) 22-модда биринчи қисмининг: тўққизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин; ўнинчи – ўн иккинчи хатбошилари тегшишча тўққизинчи – ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2023 йил 27 декабрь
№ УРҚ—890

ЎзЛиДеП:

ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ ВА САМАРАДОРЛИК

Йил якунланишига санокли кунлар қолди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида айни пайтда қўмиталар, сиёсий партиялар фракциялари йил давомида бажарилган ишларни сарҳисоб қилган ҳолда келгусидаги режаларини ҳам белгилаб олмоқда.

Сарҳисоб

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси томонидан ўтказилган брифингда фракциянинг 2023 йилдаги фаолияти юзасидан оммавий ахборот воситалари вакилларига маълумот берилди.

Таъкидланганидек, фракция томонидан ўтган даврда партия электорати манфаатларини ҳимоялаш, сайловолди дастурида илгари сурилган го ва ташаббусларни амалга ошириш, ишбилармонларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик соҳасини тартибга солишчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар қилинган.

Хисобот даврида фракция аъзолари томонидан 2 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган. Шунингдек, бошқа фракциялар аъзолари билан биргаликда 7 та қонун лойиҳаси бўйича ташаббус кўрсатди. Ўтган даврда фракция томонидан Қонунчилик палатасида қўрилаётган муҳим қонун лойиҳалари жойларда кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиниб, қонунларни такомиллаштиришда сайловчиларнинг тақлиф ва мулоҳазалари олинди.

Долзарб масалалар юзасидан мансабдор шахсларнинг ахборотини Қонунчилик палатаси мажлисларида эшитиш бўйича ташаббус билан чиқиш, улар фаолияти устидан таъсирчан парламент ҳамда депутатлик назоратини амалга ошириш борасида ҳам муайян ишлар бажарилиган.

Хусусан, фракция ташаббуси асосида қонунларнинг, давлат дастурининг ижроси, ҳудудлардаги ўрганишлар давомида аниқланган тизимли камчилик ва муаммоларни ҳал этишга қаратилган битта "Парламент эшитуви" ҳамда тўртта "Ҳукумат соати" ўтказилган.

Ўтган даврда сайловчиларнинг

ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларга ҳам жиддий эътибор қаратилди. Ўрганишлар давомида аниқланган долзарб масалалар юзасидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига жами 53 та депутат сўрови юборилди.

Шу билан бирга, жойлардаги ти-

тадбири ўтказилиб, уларда жамият ҳаёти учун муҳим бўлган қонун лойиҳаларининг ижро этилиш ҳолати, жойлардаги мавжуд тизимли муаммолар, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлиги атрафлича ўрганиб борилди.

Фракция фаолиятида аҳоли муурожаатлари билан ишлашга ҳам жиддий ёндашилган. Жумладан, ўтган вақт давомида фуқаролардан келган жами 2286 та муурожаатдан бугунги



зимли муаммолар, қонун ва қонуноти ҳужжатларининг ижро этилиш ҳолати юзасидан тегишли мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари, давлат дастури ҳамда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ижроси фракция мажлисларида доимий тарзда эшитиб борилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш, муҳим тармоқ ва соҳаларда мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тегишли тақлифларни ишлаб чиқишга бағишланган қатор тадбирлар ўтказилган.

Бундан ташқари, жойларда аҳоли билан юзма-юз мулоқотга, фуқароларни ўйлантириб келаётган тизимли муаммоларни аниқлаб, ҳал этиш чораларини қўриш, муурожаатлар билан ишлаш ҳамда қонун лойиҳаларини такомиллаштиришда одамларнинг тақлифларини қўриб чиқиш ва инобатга олишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган даврда ҳудудларга чиққан ҳолда 47 мартаба назорат-таҳлил

қунга қадар 1711 таси ижобий ҳал этилган бўлса, 434 та шикоят бўйича фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилган. Муурожаатларнинг 53 таси айни пайтда фракция аъзолари томонидан қўриб чиқилмоқда.

Депутатларнинг сайлов округларидаги учрашувлари давомида эса аҳоли томонидан жами 5 301 та муурожаат тушган бўлиб, шундан 2 618 таси жойида ҳал этилган. Қолган 2 683 тасини қўриб чиқиш учун тегишлилиги бўйича мутасадди ташкилот ва идораларга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборилган.

Брифингда фракциянинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳамда ҳудудларда ўтказилган сайловчилар билан юзма-юз мулоқот жараёни оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ёритиб берилгани, хусусан, ўтган давр мобайлида фракция фаолияти ҳақида ОАВ-да жами 14 728 мартаба чиқиш қилингани айтиб ўтилди.

Яқунда ЎзЛиДеП фракциясининг келгуси режалари ҳақида ҳам ахборот берилди.

«Халқ сўзи».

Қўмита эшитуви МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ТАҲЛИЛИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Маданият вазирлигининг "Мамлакатимизда миллий маданиятни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Эшитувда "Маданият фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилингани соҳа ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлгани, унда маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилгани алоҳида таъкидланди. Йиғилишда депутатлар соҳада олиб борилаётган ишларни эътироф этиш баробарида мамлакатимиз Президентини раислигида шу йил 22 декабрь кунини ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши ҳамда унда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда вазирлик олдида турган масалаларга эътибор қаратдилар.

Қўмита аъзолари сўнгги йилларда мамлакатимиз маънавий ҳаётида, ижод соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлиги ҳамда бу борадаги устувор вазифаларга тўхталиб ўтди. Ўз навбатида, Президентимиз нутқида илгари сурилган ташаббуслар ва соҳа ривожига қаратилган аниқ режалар маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди.

Йиғилишда маънавий ҳаётимизда янги ислохотлар даври бошлангани ва бунда вазирлик олдида турган долзарб вазифалар, уларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлашда Маданият вазирлиги муносиб ҳисса қўлиши кераклиги қайд этилди.

Шунингдек, маданият соҳасини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тарихий ва маданий мероснинг бузқаланишини таъминлаш, аҳолининг маданий эҳтиёжларини қаноатлантириш ва маданий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш, ёшларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар таҳлил қилинди. Маданият вазирлиги томонидан бу борада қўрилаётган чора-тадбирлар, қилинаётган амалий ишлар атрафлича муҳокама этилди.

Йиғилишда фуқароларга маданий дам олиш хизматлари кўрсатиш даражасини ошириш, истеъдодли ёш ижодкорларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш, маданият органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари ҳамда Президентимиз раислигида ўтказилган йиғилишда белгилаб берилган топшириқлардан келиб чиқиб, вазирлик ўз олдида аниқ вазифаларни белгилаб олганлиги айтилди.

Шунингдек қўмита аъзолари томонидан маданий фаолият соҳасини тартибга солишчи қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурлигига, соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётида айрим камчиликларни бартараф этиш лозимлигига эътибор қаратилди. Маданият вазирлиги масъуллари томонидан депутатлар саволларига жавоблар берилди.

Эшитувда кўтарилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида НОРМА ИЖОДКОРЛИГИДА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан депутатлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирини А. Тошқулловнинг Қонунчилик палатаси парламент сўровига жавобини муҳокама қилдилар.

Норма ижодкорлиги мамлакатимизда тобора ривожланиб бораётган ҳуқуқий соҳалардан бири бўлиб, кейинги йилларда бу борада тизимли ишлар олиб борилаётган.

Жорий йилнинг 14 ноябрь кунини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Адлия вазирига юборилган парламент сўровида ҳам норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинди.

Қайд этилганлардек, ўтган даврда Қонунчилик палатасининг тегишли қўмитаси томонидан норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан қатор назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилди. Соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилиб, ҳудудларда аҳолини ўйлантираётган масалалар таҳлил қилинди.

Ўрганишлар натижалари юзасидан шакллантирилган парламент сўровига берилган жавобда қуйидагилар аниқланди. 2023 йилнинг тўққиз ойи давомида Адлия вазирлигига 210 та қонун лойиҳаси тақдим этилган бўлиб, шундан 186 таси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган, 24 таси эса Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ ҳолда тақдим этилмаганлиги сабабли ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан қайтарилган.

Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг 135 тасига розилик имзоси қўйилган, 51 таси имзоланмасдан эътирозлар билан қайтарилган. 2023 йилнинг 9 ойи давомида Қишлоқ ҳўжалик вазирлигининг 49 фойз, Қурилиш ва уй-ҳўй коммунал ҳўжалиги вазирлигининг — 45, Рақамли технологиялар вазирлигининг — 45, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 42 фойз лойиҳалари қонунчилик ҳўжатлари ва юридик-техника қоидаларига зид эканлиги, коррупциявий омиллар мавжудлиги ва бошқа эътирозлар билан қайтарилган.

Қонунчилик ҳўжатлари ва юридик-техника қоидаларига зид ҳамда коррупциявий омиллар мавжуд бўлган лойиҳалар киритилганлиги сабабли Маданият ва Рақамли технологиялар вазирликларига тақдимномалар киритилган.

Бундан ташқари, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳўжатларни юқори юридик қучга эга бўлган қонунчилик ҳўжатларига ўтказиш, ўша ш муносабатларни тартибга солишчи ҳўжатларни унификациялаш ва "тартибга солиш гилотинаси" усулини қўллаган ҳолда амалда ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотган ҳўжатларни бекор қилиш бўйича сўнгги йилларда тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, 2021-2022 йиллар ҳамда 2023 йилнинг 9 ойи давомида 802 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳўжат ўз кучини йўқотган, деб топилган.

Парламент сўровига келган жавобда келтирилганидек, норматив-ҳуқуқий ҳўжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси амалиётини мувофиқлаштириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, 2023 йилнинг 9 ойи давомида 1 521 та норматив-ҳуқуқий ҳўжат лойиҳаси коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилганда уларнинг 228 тасида 350 та коррупциявий омил аниқланган ҳамда лойиҳа ишлаб чиқувчиларига уларни бартараф этиш бўйича тегишли тақлифлар берилган.

Депутатлар тақдим қилинган маълумотларни таҳлил этар экан, ҳуқуқбузарликларга шарт-шароит яратувчи, жисмоний ва юридик шахслар учун ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни белгиловчи қоидалар ва нормаларни бартараф қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳўжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилиши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг таъминланишига йўл очилиши таъкидлашди.

Шунингдек, депутатлар келгусида қонунчилик ҳўжатларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича барча тартиб-таомилнинг ягона қонун ҳўжжатида жамлангани бўйича тегишли ишларни жаддаллаштириш кераклигини, бу эса нафақат ҳуқуқий экспертиза жараёнидаги турли ёндашувлар ҳамда қарама-қаршиликларнинг олдини олишга, балки қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳўжатларнинг сифати ошишига ҳам асос бўлишини таъкидлашди.

Мажлисида парламент сўровига жавоб маълумот учун қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

Файласуфлар "Инсоният ўтмишга қараб туриб келажак сари қадам ташлайди", деган ҳикмати бот-бот такрорланади. Ҳақиқатан ҳам, башарият учун тарихнинг сабоқлари, хулосалари муҳим.

Дунё ўттиз йил ичида иккита жаҳон урушини бошидан ўтказди. Сўнгги урушда эллик миллион одамнинг умри ҳазон бўлди. Уруш келтирган жафолар, азоб-укубатлар, ҳижрон ва айрилиқлар, жароҳатлар, очлик ва йўқликлар туйғайи юз берган жудодликларни ким ҳисоблаб чиқибди, дейсиз. Аслида кулфатни, бахтсизликни рақамларда ифодалаб бўладими?!

Халқимизда "Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади" деган нақл бор. Бундай "жанжал"лар минтақа миқёсида, қитъа даражасида, бутун Ер юзиде юзага келтирадиган парокандаликни, инқирозни, бахтсизликларни тасаввур этиб қўринг-а! Шу маънода, ҳар қандай қирғинбарот уруш аслида инсониятни тамаддундан анча орқага иргитиб ташлайдиган, ҳеч қандай важ-қарсон билан оқлаб бўлмайдиган қонли воқеялардир.

Урушда ғолиблар бўлмайдиган, унинг алангасига вақтида сув сепилмасе, эртани-кечми, ҳаммани қомига тортиб кетади... Шу кунларда Ғазо секториде ўз бераётган қуролини тамаддувдан дунёни ташвишга солиб қўйди. Уруш оқибатида аёллар ва болалар қурбон бўлмоқда, одамлар бошпанасидан айрилмоқда, ўз уларини ташлаб кетмоқда. Икки ой ичида 16 минг фаластинликнинг ёстиғи қуриди. Уларнинг аксарияти ёш

ЭНГ БУЮК ИНСОНИЙ БУРЧ



болалар ва гўдақлар экани қалбларни ларзага келтиради. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Яқин Шарқ минтақасида кешкинлашаётган воқеаларга Остона шахрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши ҳамда Тошкентда ўтказилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарларининг навбатдаги йиғилишидаги нутқида Ўзбекистоннинг позициясини очик баён этди. Давлатимиз раҳбари Фаластин ва Исроил муаммосига тўхталар экан, ҳар ким томонни зудлик билан гуманитар мақсадларда муросега келишга, жанговар ҳаракатларни тўхтадиб, низоли тинч

бўлмайдиган фожияларга олиб келиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари Фаластин ва Исроил томонидан қурбон бўлган инсонларнинг оилаларига чин дилдан таъзия ва ҳамдардлик изҳор этар экан, Ғазо сектори аҳолисига баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Яқин Шарқ агентлигига 1 миллион 500 минг доллар ахратига қарор қилганини билдирди. Бу кўп миллатли ва бағрикенг Ўзбекистон халқи кўнглидаги гап бўлди.

Аслини олганда биз яшаётган минтақа халқлари дунёга доим тинчликни соғинувчи ўлка сифатида танилиб келган. Халқимизнинг бағрикенглиги ва меҳмондўстлиги барчага яши маълум. Ўзбек халқи Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам оғир шароитларда юртимизга қўчирилган турли миллат вакилларига ҳеч икчиланмасдан қўчогини оingan, топган нонини ўртада баҳам қўрган. Биз турли миллат ва конфессиялар вакилларининг ўзаро тинч-тотув ҳаёт кечирishi тарафдоримиз. Ўз навбатида, жаҳон ҳамжамиятини ҳам бу масалага беъэтибор бўлмасликка, ҳар қандай муаммони фақат тинчлик йўли билан ҳал қилишга қарор қилганимиз ва шундай бўлиб қолади ҳам. Бу принцип

ёвузлик фақат ёвузлик яратишини яна бир бор қучур аниқладик.

Расмий маълумотларга кўра, афгон аёлларининг 85 фоиз, эркекларнинг эса 51 фоизи саводсиз; қишлоқ жойларда, ҳатто 8 — 10 ёшли қизчалар ҳам турмушга узатилмоқда; 100 минг кўзи ёриган аёлдан 1600 нафари вафот этмоқда; аёллар ўртача 44 йил умр кўради; 40 йилдан зиёд вақт мобайлида давом этган уруш туйғайли камида 1,5 миллион аёл бева қолган, уларнинг ўртача ёши — 35...

Шукрки, биз дунёдаги энг тинч, осойишта ва инсон қадр-қиммати юксак баҳоланандиган мамлакатда яшаймиз. Бу юртининг одамлари бахт нима эканини жуда яхши билади. Бугун, эртаси ва ондан кейинги ҳаёти ҳақида бемалол оролар қилади, катта режалар тузади, фарзандларининг қаромолини кўзлаб улугвор ишларга қўл уради. Энг муҳими, буларни мулқола табиий жараён сифатида қабул қилади. Бироқ афсуски, дунёнинг ҳамма давлатлари ҳақида ҳам бундай ёруф фикрларни билдиролмаймиз. Масалан, Сурия ҳақида... Бу кўна замандаги тартибсизликлар дастлаб шунчаки норозилик намойиши сифатида бошланган эди. Лекин тез фурсатда у кенг миқёсдаги фуқаролар урушига айланди. Нати-

жада қадимий Шом диёридаги бой маданий мероснинг катта қисми вайрон қилинди. Мамлакатдаги ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига кирган ёдгорликларнинг барчаси катта талғат кўрди. Энг ёмони, уруш натижасида 400 мингдан зиёд одамлар ҳалок бўлди. ЮНЕСКОнинг қайд этишича, фуқаролар уруши туйғайли деярли 12 минг бола ўлган ёки жароҳат олган. Афсуски, шунча йўқотишларга қарамай уруш олови ҳамон псайгани йўқ. Бир пайтлар та-

ассуфли. Ўзбекистон давлати ва халқининг саховати, адашгани тўғри йўлга қайтаришдек инсонпарварлик қадрияти туйғайли уларга тинчлик, фаровон ҳаёт, ўз юртида қадр топишдек имконият қайта насиб қилди. Президентимиз ташаббуси билан ўтказилган "Мехр" операциялари натижасида ҳаёт йўлида адашган, норочлик ва надоматлардан силласи қуриган бир гуруҳ аёллар ва болалар юртга қайтарилди. Ўзбекистон ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини, улар қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳимоя қилишга қодирлигига халқоро ҳамжамият яна бир бор гувоҳ бўлди.

Айтмоқчимизки, қаерда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурса, ўша жойда тараққиёт бўлади. Бизнинг эришаётган ютуқларимиз замирида ҳам ана шу тинчлик-осойишталик ётади. Агар истиқлолнинг ўтган 32 йилда назар ташласак, пойтахтимиз, вилоятларимиз, марказларимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз, ҳатто энг чека ҳудудларда ҳам катта ўзгаришлар рўй берганига гувоҳ бўламиз. Юртимиздаги хотиржамлик ва барқарорлик туйғайли хонадонларда тую томошлар, байрам шодиёналар бўлмоқда. Бу неъматларга чин маънода шукрона қилиш ва уларнинг қадрига етиш керак.

Аслида дунёдаги беқарорликларнинг келиб чиқишига назар солинса, уларнинг асосий сабаби маънавият ва ёшлар масалаларига лоқайдлик, бебарворлик, бу борада тегишли маънавий-маърифий ишларнинг амалга оширилимагани экани ойдинлашади. Шунингдек, ота-она, оила ва жамият назоратидан четда қолган, ўз ҳолига ташлаб қўйилган ёшлар, ишсизлик, бекорчиликдан беизанлар ёвуз кучлар найранларига алданиб қолади. Ташқи кучлар мамлакатлардаги тайёр этилиб турган оғир вазиятга олов пураб, тўполонларни келтириб чиқаради. Кейин нима содир бўлишини эса дунёда рўй бераётган қонли воқеалар кўрсатиб турибди.

Шундай кезларда барқарор тинчлик қарор топган юртда яшаётганингизга, дориланом кунлар шуккудан баҳраманд бўлаётганингизга шукроналар айта-сиз. Ҳар

Барҳаёт сатрлар

Эркин ВОҲИДОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири



Янги йил муножоти

Вақтнинг чопқирлигига ҳайратим тугамасдир, йилнинг ўтиши гўё чақнаган чакмоқ мисол. Йил надир, умр ўзи аслида бир нафасдир, Эшикдан кириб шу он дарчадан чиқмоқ мисол.

Беш юз йил яшар эмиш тоғ аҳли бир қабила, Сабрни маслак билиб, қаноатни тоат деб. Уй тикламас эмишлар биргина сабаб ила, Шу озгина умрга ранж чекмоқ на ҳожат деб.

Бу-ку бир афсонадир, аслида аҳли олам Одамдек яшаш истар шу беш кунлик дунёда. Жаҳондан умид узмас умр ўтиб борса ҳам, Ўши улғайган сари орзулари зиёда.

Болам деб ниҳол экар, набирам деб уй солар, Мендан ҳам бирор ёдгор авлодимга қолсин, дер. Дил тубида умброд яшар ойдим хаёллар, Ватаним камол топсин, миллатим юксалсин, дер.

Инсондек яшамонинг асли шудир маъноси, Юрт севгиси бизларга юракдаги қондандир, Бу муқаддас туйғуда аждодларнинг ниҳоси, Ҳадис сўзи — Ватанга муҳаббат имондандир.

Имомини бутун кил, юртимни нурафшон кил, Пок, ҳалол йўлларингга бизни йўлла, Илоҳим. Ватаним кемасини долғалардан омон қил, Бу поёнсиз уммонда Ўзинг қўлла, Илоҳим.

Юракларга меҳр сол, адоватдан қил йирок, Бу кунги заҳматларнинг оқибати кут бўлсин. Эрка ташна элимнинг бахти бўлсин ярқирок, Осмони ёруғ бўлсин, насибаси бут бўлсин!..

Ислоҳот

2009 йилда ўзбек пахтасига бойкот эълон қилинган эди ва бу таққ 2022 йилгача давом этди. Унинг бекор қилиниши, энг аввало, юртимизда кейинги йилларда мажбурий меҳнатга барҳам берилгани, пахтани териб олишда болалар кучидан фойдаланилмаётгани ва умуман, инсон кадр-қиммати, шаъни кадрланаётганидан далолат ва бу пахтаимизни жаҳон бозорига чиқаришга катта йўл очди, десак, айна ҳақиқат.

ПАХТА ТЎҚИМАЧИЛИГИДА МУСТАҚАМ САНОАТ ЗАНЖИРИ ЯРАТИЛДИ

Қўллаб ҳорижий компаниялар билан 12 йил давомида узилган алоқалар 2022 йилдан сўнг қайта тикланиб, тўқимачилик саноатимизда юксалишлар рўй бера бошлади. Юртимизда етиштирилган пахта хомашёсининг тўлиқ ўзимизда қайта ишланаётгани, ишлаб чиқариш зanjири яратилаётгани фикримизга аниқ мисол бўла олади.

Бугунги кунда ҳорижга рақобатбардош тайёр маҳсулотлар экспорт қилиш даражаси ҳам муттасил ортиб бораётир. Кластер усулида ишлайётган "Uztex group" компаниясида пахта етиштиришдан то уни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган жараён муваффақиятли амалга оширилмоқда. Компания корхоналарида 2023 йил муваффақиятли яқунлашиб, янги йилга янги режалар билан қадам қўйилмоқда.

Аҳамиятли томони шундаки, Ўзбекистон пахтасига эълон қилинган глобал бойкотнинг олиб ташланиши компания учун жуда қўл келди. Экспорт учун янги бозор ва юқори даромадли бизнес имконияти яратилди. Яқунига етаётган 2023 йил давомида компания тизимидаги корхоналарга умумий қиймати 115 млрд. дол., қарийб 9 млн. 600 минг долларга тенг инвестиция киритилди. Туркия, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Япония ва Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг замонавий усуналари билан жиҳозланган компания бир қатор халқаро сертификатлари кўлга киритди. Натижанда экспорт географияси янада кенгайди. "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси кўмагида Ўзбекистондаги 10 дан ортиқ тўқимачилик компаниялари

халқаро "WRAP" (Worldwide Responsible Accredited Production) стандарти сертификатига эга бўлди. "Uztex group" компанияси нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ушбу стандартни олган биринчи корхона ҳисобланади. 25 декабрь куни компанияда сертификатни расман топшириш маросими ўтказилди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, "WRAP" сертификати ижтимоий стандартларнинг энг мураккабларидан бири бўлиб, "Uztex group" компаниясидаги ишлаб чиқариш АҚШга маҳсулот экспорт қилиш учун зарур бўлган барча ижтимоий метёр ва қоидаларга мувофиқлигини тасдиқлайди. Ушбу қадам Ўзбекистон тўқимачилик саноати эътибор қаратаётган сифат ва ахлоқнинг юқори стандартлари аниқ эттиради. Бошқача айтганда, бу АҚШ бозорига кириш учун калит қўлимизда эканини аниқлатади.

Дунёда етакчи, вертикаль интеграллаштирилган тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ўрта корхонани яратиб берган компаниямизда 10 минг нафардан зиёд ходимлар меҳнат қилмоқда, — дейди сотув директори ўринбосари Санжар Ҳамдамов. — Бизда ишлаб чиқарилган ҳар бир маҳсулот юқори сифатли калава ипдан тайёрлангани билан муҳим аҳамият касб этади. Бугун табиий ва экологик тоза пахтадан тайёрланган трикотаж мато, момик сочиқлар, пайпоқ ҳамда трикотаж кийим-кечақларга ички ва ташқи бозорда талаб ортиб бормоқда. Мисол учун, 2022 йилда 80 млн. доллар миқдорда маҳсулот экспорт қилган бўлсак, бу кўрсаткич жорий йилда

100 млн. доллардан зиёдни ташкил этди. Маҳсулотларимизни, асосан, Россия Федерацияси, АҚШ, Германия, Туркия, Италия, Буюк Британия, Франция, Молдова, Беларусь, Озарбайжон, Қозғоғистон ва бошқа бир қатор давлатларга чиқаряпмиз.

Олмалиқ шаҳрида жойлашган компания филиалида тизимдаги корхоналар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда полипропилен қоплари тайёрланади. Ўтган йиллар мобайнида мазкур корхонада маҳсулот турларини кўпайтиришга, янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга эришилди. Ҳозирги кунда корхонада 180 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Маҳсулотларни ички бозорга, шунингдек, Қозғоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга етказиб бериш бўйича ҳамкорлар билан музокаралар олиб борилаётган.

Бу йил мазкур корхонада яна бир лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинди. Умумий қиймати 2 млн. долларни ташкил этувчи қадқоқлаш цехи ўз фаолиятини бошлади. Житой ва Европанинг бир қатор давлатларидан келтирилган замонавий дастгоҳлар ишлаб чиқариш қувватларини ошириш баробарида, маҳсулот турларини ўнганга кенгайтирди. Бунинг натижасида 80 та янги иш ўрни очилди.

Тизимдаги корхоналар учун маълум ишчиларни тайёрлаш, мутахассисларнинг замонавий технологияларда ишлаш кўникмасини оширишга катта эътибор қаратиляпти. Чирчиқ шаҳрида мономарказ ташкил этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. 2023 йилда 1350 та янги иш ўрни очилди. Компания 8 та корхонани бирлаштиргани ва маҳсулот турлари хилмаҳиллиги

боис бу ерда мономарказ очишга эҳтиёж туғилмоқда. Агар у ишга тушса, 20 дан ортиқ касб-хунарларга бевосита корхонанинг ўзида кадрлар тайёрлаш имконияти пайдо бўлади.

Мамлакатимизда биринчилардан бўлиб "Uztex group" компанияси тизимидаги корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш, онлайн ва реал вақт режимида барча корхоналар бошқарувини амалга оширувчи "Uztex PRO" инновацион ишлаб чиқариш платформаси жорий қилинди. Бу платформа шаффофлики таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Жараён тўлиқ назоратга олинади. Харажатлар қисқариб, маҳсулотлар сифати янада яхшиланади.

Янги — 2024 йилда яна бир истикболли лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинади. Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида бутловчи буюмлар ишлаб чиқарувчи корхона қурилади. Умумий қиймати қарийб 2 млн. долларни ташкил этувчи бу бўлажақ корхонада 120 га яқин янги иш ўринлари очилиши кўзда тутилган.

Хуллас, йилига 7 минг тонна бўялган трикотаж мато, 2,5 минг тонна ротацион босиб чиқарилган мато, 20 миллион донга тайёр трикотаж, 18 минг тонна бўялган ип, 70 миллион жуфт пайпоқ, 12 миллион донга сочик ва 7 минг тонна бўялган пахта толаси ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур компания қарашли мамлакатимизнинг турли ҳудудларида жойлашган 10 та корхонада бугунги кунда 10 минг нафардан ортиқ ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Маҳсулотлар эса ўндан ортиқ мамлакат-

ларга экспортга чиқарилмоқда. Бу улкан ютуқлар замирида мамлакатимизда пахта-тўқимачилик кластери тизимининг жорий этилгани ва унинг пахтачилик соҳасини бутунлай янги ўзгача буриб юборгани мужассам, десак, сира муболага бўлмайди. "Uztex group" компанияси мисолида бу тизим ўзини тўла-тўқис оқлагани юқоридаги ютуқлар мисолида яққол намоён бўлмоқда. Бугунги кунда пахта-тўқимачилик кластери шаклида ишлайётган мазкур компания тасарруфида 45 минг гектар пахта майдонига чигитни экиш, парварилаш, ҳосилни йиғиб олиш, қайта ишлаш, калава ипга айлантириш, мато тўқиш, бўяш ва экспорт қилишдек саноат занжири ишлаб турибди.

Қишлоқ ҳўжалиги қанчалик саноатлашса, давлатнинг иқтисодий ва экспорт салоҳияти шунчалик ортади. Ўзбекистонда кластер тизими ўтган қисқа вақтда аграр соҳани ҳаракатлантирувчи етакчи кучга айлантирди. Натижанда фақат хомашё етиштириб келган мамлакатда саноат инқилоби рўй бериб, бугунги кунда пахта юз фоиз ўзимизда қайта ишланмоқда. Бунинг самараси ўлароқ қўллаб янги иш ўринлари очилди. Энг муҳими эса хомашё эмас, тайёр маҳсулот экспорт қилиниши эвазига соҳадан олинган даромад муттасил кўпайди. Бинобарин, ҳаётини ислохотлар орқали янги замон сари дадил қадам ташлаётган янги Ўзбекистоннинг янги — 2024 йилдаги муваффақиятлари янада бардавом бўлиши аниқ.

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»)

РЕКЛАМА

ЗИЁЛИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ ТАШАББУСЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Ўтган ҳафта Президентимиз раислигида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда юртимиз зиёлилари иштироклада маънавият, маърифат, маданият, санъат ва ижод соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар бориши муҳокама этилиб, келгусида бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилани олинди.

Муносабат

Алоҳида таъкидланганидек, шиддат билан ўзгараётган ҳозирги замонда маънавий барқарорлик нақадар аҳамиятли эканини ҳамда руҳий юксалиш, гўзалликка интилиш ва таракқиётга ижодий ёндашув ҳар қандай иқтисодий масалалардан ҳам муҳимлиги таъкидлаб ўтилди. Шундан келиб чиқиб, қатор янги гоа ва ташаббуслар илгари сурилди. Лўнда қилиб айтганда, зиёлилар билан учрашув янги ташаббусларга бой бўлди. Уларнинг ҳар бири аҳолининг маданий тафаккури-

ни кенгайтириш, фидойи ва меҳнаткаш ижод соҳаси ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни рози қилишга қаратилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбари учрашув давомида мутасаддиларга мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчиларини қўллаб-қувватлаш ҳамда бу мактаблар коммунал харажатларини бюджетдан қоплаш бўйича топшириқ берди. Бу, ўз навбатида, ушбу мактабларнинг тўлақонли фаолият

юритиши, ривожланиши ва қўллаб-қувватлаш ишларини кауф этишга хизмат қилади.

Маданият жамоаси учун жуда муҳим ва узоқ кутилган яна бир янгилик — маданият ҳамда санъат, кутубхона ва музейлар соҳасида фаолият олиб бораётган ходимларнинг ойлик маошлари 2024 йил 1 апрелдан 20 фозга, 2025 йил 1 январдан эса яна 15 фозгача бўлган миқдорда оширилиши эълон қилинди. Бу хушxabар маданият соҳасининг жонқуяр ходимлари томонидан катта қувонч билан кутиб олинди.

Учрашувда миллат тарихини англашда муҳим аҳамиятга эга музейлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича етти йиллик дастур қабул қилиниши таъкидланди. Айнаи чоғда инновацион технологиялар асосида тарих музейи ва санъат музейининг замонавий янги бинолари бар-

по этилиши, темирйўлар тарихи ва табиат музейларининг экспозицияси янгилашни ҳамда Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи капитал таъмирланиши айтилди. Мамлакатимизда бугунги кунда фаолият олиб бораётган 48 та давлат музейи ва уларнинг 73 та филиалида қарийб 2,5 миллион тарихий ашёлар ва коллекциялар мавжуд. Қолаверса, 6 та нодавлат музей фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларда 25 мингга яқин тарихий ашёлар ва коллекциялар жамланган. Миллий музей фонди таркибига киритилган тарихий ашёлар ва коллекциялар сони 1,3 миллионни ташкил этмоқда.

Мана шу бебаҳо ва қадимий осориатқиларини авайлаб асраш ва келажак авлодга ўз ҳолича етказиш учун музейлар моддий-техника базаси талабга жавоб бериши керак.

Учрашувда театрлар фаолиятига ҳам алоҳида ургу берилди. Жумладан, идора ва муассасаларда ойнанинг бир кунини "Театр кунини" деб эълон қилиш таклифи илгари сурилди. Ходимларнинг театрларга боришини йўлга қўйиш мақсада мувофиқлиги ҳам таъкидланди. Еш режиссёрларини қўллаб-қувватлаш учун Маннон Уйғур номидаги муқофот таъсис этилиши маълум қилинди.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу учрашув маданият ва санъат ҳамда ижод аҳли учун янгилик ва ташаббусларга бой тарихий кун сифатида муҳрланди. Ишонимизки, бу ҳар бир маданият ҳодимида ўз соҳасига нисбатан меҳрни янада кучайтиришга, улкан мақсадларни олдига қўйиб, янги марралар сари илҳомлантиради. Зотан, Президентимиз табири билан айтганда, маданият ривожланмаса, жамият таракқиётга этмайди.

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Олий Махжис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

ГУЛИСТОН НОМИГА МОС МАНЗИЛГА АЙЛАНДИ

Президентимизнинг тегишли топширигига асосан энг чекка ва олис ҳудудлардан танлаб олинган "қизил" тоифадаги 70 та маҳаллада "Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла" мезонларини жорий этиш белгиланган эди.

Ободлик

Шунга асосан Қашқадарь вилоятида ҳам тўртта маҳалла танлаб олинди, уларда дастур асосида ободонлаштириш, қурилиш-бунёдкорлик ҳамда аҳолининг фаровон турмуш тарзини таъминлашга қаратилган зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Улардан бири — Нишон туманидаги Гулистон маҳалласи. Бу маҳаллада 1235 та хонадон мавжуд бўлиб, 6 минг 358 нафар аҳоли истиқомат қилади. Аслида, аҳоли бу жойларга бундан 50 — 60 йил аввал, Қарши чўли ўзлаштирилиши муносабати билан қўчиб келиб, макон тутган. Асосий коммуникация тармоқлари ҳам ўша вақтларда бунёд этилган. Ўтган йиллар давомида эса маҳаллада аҳоли сони бир неча маротаба ошди, янги-янги кўчалар, гузарлар барпо қилинди. Натижанда мавжуд коммуникация тармоқлари талабга жавоб бермай қолган, бу эса аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган эди.

Дастур доирасида маҳалла ҳудудидаги 27 километр йўлга шағал, 1,5 километр йўлга асфальт ётқизилди. Аҳоли гавжум бўлган Соҳибкор кўчасида 500 метр узунликда пиёдалар йўлаги барпо этилиб, атрофига эса тунги ёриткичлар ўрнатилди. Шунингдек, таъмирталаб ҳолга келиб қолган 250 та симёғоч мустақам бетон устунларга алмаштирилди, иккита трансформатор капитал реконструкция қилиниб, яна иккита янги трансформатор ўрнатилди.

Маҳалламизда ижтимоий соҳа объектларидан 1 та мактаб, 1 та мактабгача таълим муассасаси ҳамда 1 та оилавий шифокор пункти мавжуд. — дейди "Гулистон" МФЙ раиси Ўжамурод Нормўминов. — Дастур доирасида ҳар учала объектда кенг қўламли таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Айнақса, тиббиёт муассасамиз жуда таъмирталаб ҳолатга келиб қолган эди. Ушбу оилавий шифокор пункти мукамал реконструкция қилиниб, энг замонавий тиббий технологиялар билан таъминланди. Бундан ташқари, маҳал-

ла идораси ҳам тўлиқ таъмирланиб, бу ерда "маҳалла еттиллиги"нинг самарали фаолият олиб бориши учун барча шарт-шароит яратилди.

Шу билан бирга, маҳаллада аҳолини тиббий қўриқдан ўтказиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, яшил майдонлар барпо этиш, қабристонлар, ирригация тармоқлари атрофини ободонлаштириш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Гулистонда буй кўрсатган ана шундай ўзгаришлар, юксалишлар одамларнинг кайфиятида, руҳиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Шу маънода айтганда, "Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла" тамойили якуни бўйича ишлар сарҳисоби ҳам ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Тантанали тадбирда Қашқадарь вилояти ҳокими Муротжон Азимов ҳамда масъул идора ва ташкилотлар раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, маҳаллада амалга оширилган ишлар билан танишди.

Таниқли санъат усталари ва эстрада ижрочилари иштирокидаги концерт дастури, турли спорт ўйинлари маҳалла ахлига байрамона шўхуқ улашди.

Жаҳонгир БОЙМҮРОДОВ («Халқ сўзи»)

ГЕОЛОГИЯ ФАНЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Фойдали қазилма конлари геологияси факультети
1. Умумий геология кафедраси: кафедра мудири; ўқитувчи — 1 нафар.
2. Фойдали қазилма геологияси кафедраси: кафедра мудири; доцент — 1 нафар.
3. Геология-қидирув ишлари техникаси ва технологияси кафедраси: кафедра мудири.
4. Минералогия, петрография ва геохимия кафедраси: кафедра мудири.
5. Фойдали қазилма конларини излашнинг геофизик усуллари кафедраси: кафедра мудири.

- Нефть ва газ конлари геологияси факультети
1. Аник ва табиий фанлар кафедраси: профессор — 1 нафар; доцент — 1 нафар; катта ўқитувчи — 1 нафар; ўқитувчи — 1 нафар.
2. Ижтимоий фанлар, спорт ишлари ва ўзбек тили кафедраси: кафедра мудири; катта ўқитувчи — 1 нафар; ассистент — 1 нафар.
3. Иқтисодий геология кафедраси: профессор — 1 нафар; катта ўқитувчи — 1 нафар.

- Танловда қатнашадиган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:
1. Университет ректори номига ариза;
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (маълумотнома);
3. Олий маълумоти тўғрисидаги дипломлар нусхаси;
4. Илмий унвон ва илмий даража тўғрисидаги дипломлар нусхаси;
5. Илмий ишлар рўйхати (сўнгги 3 йил);
6. Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олимлар кўчаси, 64-уй. Телефон: 71-209-10-75.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АТБ

акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш (масофадан) тўғрисида ХАБАРНОМА

Хўрматли банк акциядорлари! «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ (Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй манзили бўйича жойлашган, корпоратив веб-сайт: www.sqb.uz, e-mail: info@sqb.uz) сизга 2024 йил 26 январь кунини Тошкент вақти билан соат 11:00 да масофадан туриб электрон овоз бериш хизмати http://evote.uz/ орқали банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши белгиланганини маълум қилади.

ЙИГИЛИШ КҮН ТАРТИБИ

- 1. Банк Кенгаши 2 нафар аъзосининг ваколатини муддатидан аввал тугатиш.
2. Банк Кенгашида вакант бўлган ўринларга янги аъзоларни сайлаш.
3. Акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилишининг ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун реестрни шакллантириш санаси: 2023 йил 23 декабрь.
4. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган сана: 2024 йил 23 январь.
5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига оид ҳужжатлар билан банкнинг www.sqb.uz корпоратив веб-сайти орқали танишиш ёки info@sqb.uz электрон манзили орқали сўров юборишингиз мумкин.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш интернет орқали электрон овоз бериш хизмати (http://evote.uz/) фойдаланган ҳолда 2024 йил 26 январь кунини Тошкент вақти билан соат 10:00 да бошланиб 11:00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун телефонлар: 78-120-45-00; 19-13-30; 94-711-13-75.

Биз ва жаҳон

Қозғоғистоннинг Шимкент шаҳрида Ўзбек тили ва маданияти маркази очилди

Қозғоғистоннинг Шимкент шаҳридаги Жумабек Ташенов номидаги университет қошида Ўзбек тили ва маданияти маркази очилди.

У мазкур университет ва Андижон давлат педагогика институтини ўртасида тузилган ҳамкорлик меморандуми асосида фаолият бошлади.

Айтиш керакки, университетда "Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари" дастури асосида бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда. Университет ташкил топганининг 25 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция доирасида Ўзбек тили ва маданияти марказининг ташкили очилиши маросимини бўлиб ўтди.

Унда Андижон давлат педагогика институтини ректори Бахтиёр Расулов бошчилигидаги Ўзбекистон олий таълим муассасалари вакилларидан иборат делегация катнашди. Қозғоғистон томони Ўзбек

тили ва маданияти марказини ташкил этишда муносиб ҳисса қўшган Андижон давлат педагогика институтини, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини раҳбарияти ҳамда профессор-ўқитувчиларига миннатдорлик билдирди. Тадбирда сўзга чиққанлар ушбу марказнинг очилиши Ўзбекистон ва Қозғоғистон ўртасидаги сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилган таълим ва маданият соҳаларидаги ўзаро муносабатларни амалий мазмун билан бойитишини қайд этилди.

Таъкидланганидек, марказ Ўзбекистоннинг миллий маданияти, адабиёти ва урф-одатларини кенг тарғиб қилиш имконини беради.

«Дунё» АА. Шимкент

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ ЖАСОРАТИ ҲАР ҚАЧОНГИДАН МУҲИМ

Бугунги кунда маънавият ва маърифат масаласи ҳар доимгидан ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Негаки, жаҳондаги глобаллашув бораётган интеграциясини юзага келтириб, инсоният тарихидаги муқаррар ҳодиса сифатида дунёнинг товар ва маҳсулотлар, ахборот, билим ва маданий қадриятлар алмашинуви натижасида ягона бир майдонга бирлашмоқда. Бундай пайтда миллат ва эътибор, халқлар ва мамлакатлар ўзининг миллий ўзлигини ҳамда ўзига хос индивидуаллигини сақлаб қолиши муҳим ҳисобланади.

Акс садо

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 22 декабрь куни бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида глобаллашув жараёни билан боғлиқ бўлган маънавий таҳдид масаласи кўтарилди. “Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари — уйғоқ қалби зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар. ...Мамлакатимиз ўз тарқиқетининг янги, юксак босқичга кираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби Фарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етуқ кадрлар сув билан ҳаводек зарур”, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

уларни моддий рағбатлантириш чоралари кўрилди. Шунингдек, республикамизда Маънавият ва маърифат кенгаши раиси Президент, ҳудудларда эса биринчи раҳбарлар ҳудудий кенгашларнинг раиси ҳисобланади. Чунки илм-фан, таълим ва тарбия, маънавият доимо устувор масаладир. Давлат раҳбари йиғилиш чоғида аҳолининг тафаккурини кенгайтириш, маънавий савиясини ошириш, миллий ўзлигини янада чуқурроқ аниқлаш мақсадида зиёлилар томонидан маънавий-маърифий ишлар олий бориш зарурлиги ҳусусида гапириб, 9 та йўналишда муҳим ташаббусларни илгари сурди. Аввало, маънавият ва маданият соҳаси учун методик асос вазифасини ўтайдиган миллий гоани ривожлантириш бўйича алоҳида дастурий ҳужжат қабул қилиш масаласини кўтарди. Ўзбекистон Конституциясига кўра, давлатимиз, аввало, дунёвий давлат эканига алоҳида ургу берилди. Дарҳақиқат, мамлакатимиз дунёга очик, жаҳонда эътироф топган фан, таълим, маданият ва санъат борасидаги барча стандартларни мустақкам эгаллаб, юқори

натижаларни кўрсатган. Шунингдек, жаҳон билан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий-гуманитар соҳаларда кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйган. Шундай экан, халқимиз бундан буён ҳам ўзининг танлаган эзгу ҳамда маърифат йўлидан бориши ҳаммамиз учун олий мақсаддир. Давлатимиз раҳбари маърифат масаласини кўтарар экан, театр санъатининг ривожланишини устувор вазифа сифатида белгиледи. Шу боис эндиликда мутасаддилар томонидан театр санъатини ривожлантириш бўйича дастури ишлаб чиқилди. Унда энг яхши пьесалар учун ижодий бюуртма бериш йўлга қўйилди. Айтиш жоизки, ҳар бир мамлакатнинг интеллектуал савияси ижодкорларга давлат томонидан ижодий бюуртма бериш билан белгиланади. Зеро, бу йўл билан мамлакатда адабиёт ва драматургия ривожланади. Юртининг интеллектуал даражаси юксалгани сайин унинг маънавий қадри ошиб боради. Маънавият масаласига дахлдор бўлган соҳаларда муайян қамчиликлар бор эканини чуқур англаган давлатимиз раҳбари масаланинг ечимига аниқ кўрсатмалар бериб, келгуси йилдан ҳар бир туманда сахнали зал, кутубхона, кинозал ва тўғарак хоналари бўлган биттадан маданият маркази фаолияти йўлга қўйилишини айтиб ўтди. Жойлардаги 600 дан зиёд бадиий хаваскорлик жамоаларининг моддий-техника базасини яхшилаш бўйича дастур қабул қилиниб, бунга 100 миллиард сўм йўналтирилади.


Дарҳақиқат, бадиий хаваскорлик жамоаларининг ҳудудларда мавжуд бўлиши ҳамда фаолият кўрсатиши аҳолининг маданий савияси учун зарур бўгин ҳисобланади. Зеро, у ерда санъатга хавасманд инсонлар тўпланиб, муслиқий маданий меросни ўрганиш, уни тарғиб этиш бўйича улкан ишлар олиб борилади. Бундай жамоалар муслиқий мероснинг келгусида ёш авлодга қолишида муҳим вазифани бажаради. Давлатимиз раҳбари юртимизнинг миллий ўзлигини асраш ва юксалтириш борасида тўхталиб, мақом ҳамда бахшичилик санъатини илмий асосда ўрганиш ва ривожлантиришни кучайтириш муҳимлигини таъкидлаб ўтди. Айтиш чоғида ёш авлоднинг маърифатли ҳамда зиёли этиб тарбиялашда болалар муслиқ ва санъат мактабларининг ўрни муҳим экани алоҳида белгиланди. Шу мақсадда ундаги педагог ва журналистларнинг ойлик маошини бир неча мартага ошириб, уларнинг ижтимоий химосини таъминлаш борасида аниқ кўрсатмалар берди. Аёнки, педагоглар ва айниқса, журналистлар ёш авлоднинг маънавий-эстетик тарбиясини олиб

боришда муҳим вазифани бажаради. Журналистлар педагогик жараёнда бевосита қатнашиб, ўқувчининг санъаткор бўлиб шаклланиши ҳамда концерт-ижрочилик фаолиятини юртишида энг муҳим ҳамроҳдир. Бинобарин, журналистлар муслиқчи ўқувчи билан биргаликда муслиқий ижро репертуарини рўёбга чиқаради, у билан бирга сахнада ижро этади ва муслиқани том маънода англаш билан боғлиқ ижодий жараёнларда фаол қатнашади. Шу боис йиғилишда болалар муслиқ ва санъат мактабларининг педагог ва журналистларнинг кадр-қимматини ошириш зарурлигига алоҳида ургу берилди. Президент “Ўзбек маданий дипломатияси” деган тушунчани келтирар экан, унинг аниқ параметрларини яратиш, жаҳон билан ҳамкорлик қилишда “Ўзбек маданий дипломатияси” айнан Ўзбекистон давлатининг имижо ва қиёфасини белгиловчи кўрсаткич бўлишини таъкидлади. Бунинг учун эса, маданият соҳасида креатив ёндашув зарурлигини айтиб ўтди. Шу мақсадда, давлатимиз қонунчилигида муайян қонуний ҳужжат ишлаб чиқиш зарурати борлиги таъкидланди.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

«ИБРАТ ФАРЗАНДЛАРИ» – ТИЛ ЎРГАТИШДА КРЕАТИВ ВА БЕПУЛ ЛОЙИҲА

“Тил ўрганиш хоҳишингиз тез сўнаётган бўлса, бoshқароқ усул танланг: китоб ўқийтган бўлсангиз, унинг аудио форматига ўтинг, дарсликни қўйиб, лугатни қўлга олинг ва ҳоказо”. Венгриялик профессионал таржимон Като Ломбнинг маслаҳати “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси доирасида берилаётган имкониятларга тўла мос келади.



Йигирмадан ортқ хорижий тилларни онлайн тарзда бепул ўргатиб келаятган “Ибрат фарзандлари” лойиҳасининг ишга тушганига 1 йил тўлди. Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги томонидан амалга оширилган лойиҳани “Ўзсанотқурилишбанк” АТБ молиявий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бугунги кунда дарслардан фойдаланувчилар “YouTube” платформасида 430 минг нафардан ортган. Саҳифада эълон қилинган дарслар қузатувчилар томонидан 20 миллион мартдан зиёд кўрилган бўлиб, рақамлар соат сайин ўсмоқда. Лойиҳа доирасида ишга туширилган “Ibrat Academy” иловаси орқали эса дарслар видео тарзда етказилиши билан бирга тил ўрганувчиларга ўз даражасини доимий текшириб бориш, билимини мустақкамлайдиган синов машқларини бажариш ҳамда сўз бойлигини интерфаол усулда ошириш имконини бермоқда.

— Президентимиз ташаббуси билан буюк маърифатпарвар олим Исоҳқон Ибрат номини абадийлаштиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди лойиҳа раҳбари Рустам Қориев. — “Ибрат фарзандлари” лойиҳасини татбиқ этишда ҳам беш тилда бемалол сўзлаша олган ва жадид ёшларига бепул таҳсил берган Ибрат бобомиз ўрнак қилиб олинди. Бунинг учун профессионал мураббийлар томонидан 22 турдаги тизимли ва алифбодан бошланган дарслар мажмуаси ишлаб чиқилди. Ҳозирда жамоатчилик фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари асосида улар янада такомиллаштириб борилмоқда.

Хусусан, “Ибрат фарзандлари” таркибиде “Ibrat Camp”, “Ibrat quiz” каби лойиҳалар ҳам ташкил этилди. Улар ёшларимизни янада билимли, зуқко ва муваффақиятли бўлишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Масалан, “Ibrat Camp” лойиҳасида хорижий тилларни муқаммал ўрганган кучли, билимдон ёшлар бир нуктада тўпланиб, дунёда “TOP-100”га кирган университетларда ўқиш имкониятини қўлга киритиш “харитаси”га эга бўлмоқда. “Ibrat master class” тил ўрганувчиларга инглиз тилида равон сўзлашиш, IELTS имтиҳонини юқори балли қўлга киритиш, омма қаршида нутқ сўзлаш сирларидан сабоқ бермоқда. “Ibrat quiz” эса ёшларнинг нафақат билиминини оширишга, балки уларнинг зуққолиги, интеллектуал топқирлигини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, лойиҳа доирасида инглиз тилида ёшларнинг танқидий фикрлашини кучайтиришга қаратилган дебатлар уюштирилмоқда.

“Ибрат фарзандлари” тақдим этаётган ўқув мажмуалари, айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган ҳамда молиявий имконияти чекланган, лекин хорижий тилларни ўрганишга иштиёқманд ўқувчилар учун жуда манфаатли бўлмоқда. Лойиҳа доирасида йўлга қўйилган Ўзбекистонда биринчи ўзбек тили грамматикасини онлайн ўргатиш тизими эса хорижликларга ҳар томонлама қўл келмоқда. Фойдаланувчилар, шунингдек, тил ўрганиб, юқори марраларга эришган ёшлар, чет элдан нубузли университетларни тамомланган фаоллар билан суҳбат қуриб, катта ташқари орттирмоқда. Бу борадаги ишлар 24/7 режимида таъкил қилинган. Бунинг учун пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройидан алоҳида жой ажратилган.

— Жорий йилнинг 18 ноябрь куни мажмуа лойиҳа тақдимотида мингдан ортқ ёшлар ҳамда Франция, Испания, Туркия, Россия, Хитой, Озарбайжон, Ҳиндистон каби қатор давлатлардан профессорлар, тил ва маданият марказлари раҳбарларининг бевосита иштирок этгани ишимизга бўлган ишонч ва қизиқишдан далолатдир, — дейди Рустам Қориев.

Мухтасар айтганда, “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси нафақат хорижий тилларни ўргатиш, балки нетворкинг (networking) орқали дунё илмларини забт этишга ёрдам бермоқда.

Банк Ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Бунёдкорлик ЗАРБДОР МАҲАЛЛАСИДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани марказидан ўн беш чақирим олинса жойлашган Зарбдор маҳалласи аҳли учун яқунланаётган йил қувончли келди. Гап шундаки, бу ерда “Обод маҳалла — обод кўча — обод хонадон” мезонлари асосида амалга оширилган катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари натижасида ҳудуд бутунлай ўзгача қиёфа касб этди.

Хусусан, 6,5 километр янги тармоқ тортилиши билан мингдан ортқ хонадонларнинг тоза ичимлик сувиغا бўлган эҳтиёжи тўла қондирилди. Учта юқори қувватли трансформатор қурилмаси ўрнатилиши энергия таъминоти зулқисиллигига кафолат яратган бўлса, 1,5 километр йўлга асфальт ётқизирилиб, кўчалар равон ҳолатга келтирилди. Маҳалла фуқаролар йиғини эса янги тикланган замонавий бинога кўчиб ўтди.

Зарбдордаги ўзгаришларга ҳамроҳан аҳолининг фаолиги ҳам ошган. Аксарият хонадонлар эгалари ўз ҳовлиларини ўзгаришларга мослаб қайта қурди, ҳашар асосида кўча бўйлаб, шунингдек, хиёбонлар ҳавас қиларли ҳолатга келтирилди. Тадбиркор Назокат Адхамова фуқаролар йиғини собиқ биносини тасарруфига олиб, тикувчилик ҳеҳига айлантирди ва 20 нафар маҳалладошини доимий иш билан таъминлади. Маълумот учун, Наманган вилоятидаги жорий йил бошидан буён 5 та маҳалла юқоридеги мезонлар асосида обод ва кўркам ҳолатга келтирилиб, уларда 20 миллион сўмликдан ортқ бунёдкорлик тадбирлари рўёбга чиқарилди.

Қудратилла НАҲМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

Тухфа ПАЙАРИҚЛИКЛАР УЧУН СОВҒА

Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Пайариқ туманида ҳам ижобий ўзгаришлар давом этмоқда. Хусусан, Янги йил байрами арафасида туманда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Замонавий жиҳозланган ушбу марказда фуқаролар ҳамда ходимлар учун барча қулайлик яратилган.

Эндиликда ижтимоий ҳумога муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдамларнинг 30 тури мазкур марказда қўрсатилади. Бунда ногиронликни белгилаш, протез-ортопедия масалалари билан таъминлаш, санаторийларга юбориш, психолог ёрдам ва ижтимоий нафақа тайинлаш бўйича хизматлар қўрсатиш йўлга қўйилди. Янги объектнинг очилиши муносабат билан ташкил этилган тадбирда Президент ҳузурдаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси, туман ҳокимлиги ва жамоатчилик вакиллари қатнашди. Шунингдек, тумандаги 40-мактабга таълим муассасасининг 300 ўринли янги

биноси ҳам болажонлар ва маҳалла аҳлига байрам совғаси сифатида фойдаланишга топширилди. Аҳолининг бирдамлиги ҳисобига 2023 йил “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 1-мавсумида навабдаги қўлиб ташаббуслар қаторидан жой олган мазкур объектнинг очилишида туман ҳокимлиги, мактабга ва мактаб таълими бўлими масъуллари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар келгусида ушбу маскан тарбияланувчилари ҳам элу юртга сидқидилдан хизмат қиладиган ўғил-қизлар бўлиб етишишини тилади.

Абдулозис ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

Бола китоб билан дўстлашса...

Бухоро шаҳридаги “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истикомат қилувчи Гўзал Ражабова билан суҳбатлашган киши қаршисида ўқимишли, билимли, ўз дунёқарашига эга аёл турганини дарҳол пайқайди. Асл касби психолог бўлган бу юртошимизнинг чиндан ҳам фикрлаш доираси кенг. Буни бир жиҳатдан унинг бадиий китобларни қўп мутолаа қилгани билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Мушоҳада



— Яқинда “Китобхон оила” кўрик-танловининг вилоят босқичида қатнашиб, фахрли биринчи ўринни эгалладик, — дейди у. — Биласизми, китобга меҳр, илму маърифатга чанқоқлик бизга отамерос, десам, хато қилмайман. Оилада саккиз фарзанд эдик. Ота-онамиз қўлимизда китоб кўрган маҳал бизни бошқа юмушлар билан чалғитмасди. Яхши сўз айтиб, рағбатлантирарди. Барчамиз нуфузли олий ўқув юрларида таҳсил олиб, ҳаётда ўз ўрнини топдик. Бунда оиладаги муҳитнинг, китоб мутолаасининг аҳамияти катта деб биламан. Шахсий кутубхонамизда ўзбек ва жаҳон адабиёти намоёндалари қаламига мансуб 500 тача китоб мавжуд. Уч нафар фарзандим бор. Уларни ҳам китоб, газета, журнал ўқишга қизиқтириб, кам бўлаётганимиз йўқ.

Гўзал опанинг бу ҳақда алоҳида тўхталиши бежиз эмас. Унинг қизи, шаҳардаги 32-умумтаълим мактаби ўқувчиси Малика Тоҳирова ҳам китобга меҳр қўйган. Бу киз “Еш китобхон” танловининг вилоят босқичида 10 — 14 ёш тоифаси бўйича қатнашиб, қўлиблар қаторидан ўрин олди. Тадбирнинг республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Вилоят болалар кутубхонасининг фаол аъзоси саналган Малика 50 миллион сўм миқдоридеги пул маблағи билан тақдирланди.

— “Еш китобхон — 2022” республика танлови якунига кўра, кутубхонамиз аъзоси, Бухоро шаҳридаги 30-умумтаълим мактабининг битирувчи синф ўқувчиси Муҳлисаси Насимова биринчи ўринни эгаллаб, “Spark” автоташнасини билан тақдирланган эди, — дейди вилоят болалар кутубхонасининг директори Наргиза Низомова. — Жорий йилда эса Малика Тоҳирова унга муносиб издош эканини кўрсатди. Биз шундай изланувчан, тиришқоқ, китоб ўқишга иштиёқманд ўғил-қизларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришдек эзгу ишга ҳисса қўшаётганимиздан мамнунимиз. Дарҳақиқат, вилоятда Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилишга қаратилган қарориде белги-

Ўқувчиларнинг маънавиятини юксалтириш, уларнинг китоб мутолаасига бўлган қизиқишларини кучайтиришда “Мен голибман”, “Китоб — тафаккур хазинаси”, “Таълим — 2023” каби лойиҳалар муҳим ўрин тутмоқда. Вилоят миқёсида ўтказилган ўттиздан зиёд тадбирларда умумтаълим мактабларининг 200 минг нафар ўқувчиси иштирок этди, 100 дан ортқ ёш ижодкорларнинг ижодий намуналари газеталарда чоп қилинди. Лойиҳа доирасида 13 та туман, шаҳарлар бўйлаб умумтаълим муассасаларида “Китоб бизни бирлаштиради” деб номланган ярмаркалар ташкил этилди. Китоб ярмаркасида минглаб ўқувчилар қамраб олинди, ота-оналар ва уларнинг фарзандлари томонидан 700 миллион сўмлик 40 минг нусхага яқин китоблар харид қилинди, мактаб кутубхоналари фонди ҳам бойитилди. Езги таътил давридан ҳам унумли фойдаланилди. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида оромгоҳларда “Китоб оқшони” фестивали ўтказилди. Бу каби тадбирлар қўллаб ёшлар китоб билан ошно этди, десак, адашмаймиз.

— Китоб билан дўстлашган кишидан ҳаргиз ёмонлик чиқмайди, — дея мулоҳаза юритади бухоролик тарихчи олим Шодмон Ҳайитов. — Агар оила даврасида китобхонлик анъанаси йўлга қўйилса, бу хонадон болалари эс-ҳўшли, ақлли, билимли, зуқко, оқ билан қораннинг фарқига етадиган бўлиб воёга етади. Қайда бўлишмасин, “Отанга раҳмат!” деган сўзни эшитишда. Бундай фарзандлардан ўша оила соҳиблари, қолаверса, маҳаллада фуқаро ҳам гурурланишса арзийди. Афсурски, айрим хонадонларга кирсангиз, китоб жавони тугул бирорта бадиий китобни учратмайсиз. Жадидларнинг маърифатпарварлик гоғялари таҳлилига бағишланган қўллаб мақолалар ёзган олим ҳам. Яқинда воёга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик аҳоли ўрганишида ноҳўя йўлларга кирган болалар, лоақал битта бўлса-да, бадиий асар ўқимагани маълум бўлди.

Бинобарин, китобхонлик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир маҳалда баъзи ота-оналарнинг лоқайдиллиги кишини хавотирга солади. Ваҳоланки, файласуфлардан бири айтганидек, китобсиз уй жонсиз танадир.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғма Г — 1241. 32 472 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. Газетани ҳақиқати маълумотларини оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55. МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. НАВБАТЧИ МУҲАРРИР — Б. Мадиев. МУСАҲҲИХ — Ш. Машраббоев. «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ БОСМАХОНАСИ. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 23.30 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6